

## Яхши амаллар зое бўлмас



16:00 / 06.05.2023 2526

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ушбу оятини ўқинг:

﴿الْمُحْسِنِينَ أَجْرٌ نُّضِيعٌ وَلَا نَشَاءُ مِنْ بِرِّحَمَتِنَا نُضِيبُ﴾

**«Ўз раҳматимизни кимни хоҳласак, ўшанга муяссар этурмиз ва яхши амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмасмиз». (Юсуф сураси, 56-оят).**

«Ўз раҳматимизни кимни хоҳласак, ўшанга муяссар этурмиз...» ушбу жумлани тадаббур қилиб кўринг. Раҳмат шу даражада диққат билан йўналтирилганки, эгасига етиб боришда хатога йўл қўймайди.

Субҳаналлоҳ!

**«Ўз раҳматимизни кимни хоҳласак, ўшанга муяссар этурмиз...»**

Ўша шахсга қийинчиликдан сўнг осонлик, ночорликдан сўнг имконият, хавф-хатардан сўнг омонлик, хорликдан сўнг фаровонлик берамиз.

- Ушбу раҳмат Иброҳим алайҳиссалом оловдалик пайтларида тушган.
- Ушбу раҳмат Юнус алайҳиссалом балиқ қорнида эканларида тушган.
- Ушбу раҳмат Юсуф алайҳиссалом қудуқ ва қамоқда эканларида тушган.
- Ушбу раҳмат Мусо алайҳиссаломнинг гўдаклик пайтларида сувда бўлганларида тушган.

**«...ва яхши амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмасмиз».**

Эҳсон қилувчилар, Аллоҳга иймон келтириб, унга тақво қилиб, ибодатида собитқадам бўлувчилар эртами-кечми, барибир ажрларини олурлар. Уларнинг ажри ҳеч қачон зое бўлмас. Бу дунёнинг ўзида кўражаклар.

Аллоҳим, Ўз ҳузурингдан раҳматингни бизга муяссар этгинки, бундан сўнг биз асло бахтсиз бўлмайлик эй Раҳим сифатли Зот!

**Фойдаланилган манбалар:**

«Тафсири Ҳилол» китоби

[@arabicuz](#)

***Хуршид Маъруф тайёрлади***